



LINGUISTIC FACTORS AND THEIR REFLECTION IN TRANSLATION IN
PHRASEOLOGISTS WITH SOCIO-PROFESSIONAL NOMINAL
COMPONENTS IN ENGLISH AND UZBEKI

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10115319>

Khamidov Behzod Akhadovich

Andijan State Institute of Foreign Languages, freelance researcher.

Phone: +998 90 259 35 45

bekham21091980@gmail.com

ANNOTATION

The article talks about great difficulties in translating phraseological units, transferring their semantic aspects to other languages, correctly understanding the content of contexts and linguistic and cultural signs, and the need to develop specific methods and methods in the translation process.

Keywords

context, contextual meaning, original, conceptuality, conceptosphere, linvolity, linguosphere, equivalent, lexical transformation, lexical generalization.

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИЖТИМОИЙ-КАСБИЙ НОМИНАЦИЯ
КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРДА ЛИНГВОМАДАНИЙ
ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРЖИМАДА АКС ЭТТИРИЛИШИ**

Хамидов Бехзод Ахадович

Андижон давлат чет тиллари институти, эркин тадқиқотчи.

Телефон: +998 90 259 35 45

bekham21091980@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада фразеологик бирликлар таржимаси, уларнинг семантик жihatларини бошқа тилларга кўчириб ўтказиш, контекстлар таркибидаги мазмуни ва лингвомаданий белгиларини тўғри англашда катта қийинчиликларнинг юзага келиши, таржима жараёнида ўзига хос усуллар ва методлар ишлаб чиқилиши зарурлиги ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар

контекст, контекстуал маъно, асл нусха, концептуалитет, концептосфера, линволитет, лингвосфера, эквивалент, лексик трансформация, лексик умумлаштириш.



Замонавий тилшуносликда фразеологик бирликларни лингвомаданий аспектда ўрганиш тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатмоқда. Ваҳоланки бундай барқарор бирикмалар тилнинг бошқа луғавий бирликларига караганда халқ ҳаёти, таракқиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар халқнинг кўп асрлик турмуш тажрибаси, қадриятлари, анъаналари, урф-одатлари негизида шаклланиб, синхроник ривожланиш жараёнини бошидан кечирмоқда.

Шу сабабли фразеологик бирликларнинг семантик жиҳатларини бошқа тилларга кўчириб ўтказиш, контекстлар таркибида мазмуни ва лингвомаданий белгиларини тўғри англашда катта қийинчиликлар юзага келади. В.Н.Комиссаров ўзининг “Современное переводоведение” асарида таржима ва унинг мақсади ҳақида шундай ёзади: “Бадий таржимада таржимоннинг асосий мақсади бу асл нусханинг бадий ва эстетик фазилатларини таржима тилида тўлақонли етказиб беришдир.”[1, 82] Бундан ташқари, таржима жараёнида таржимоннинг масъулияти ҳақида ҳам фикр билдириб ўтишни жоиз деб топдик. Тилшунос олим Ғ.М.Ҳошимов ўзининг “Таржимашуносликнинг долзарб муаммолари” асарида таржимон билан аслият муаллифининг бир томондан концептуалитети ва концептосфералари, иккинчи томондан мазкур ходисалар билан узвий боғлиқ бўлган линволитети ва лингвосфералари мос ёки яқин бўлиши таржиманинг тўлақонли чиқишига асос бўлиши, акс ҳолда таржимон аслият тилидаги семантик йўқотишларга йўл кўйиши мумкинлиги ҳақида ёзади [6,33]. Бу жиҳат айниқса касбий фаолият номинацияларига эга компонентли фразеологик бирликларда кўп кузатилади. Таржима жараёнида бу каби муаммоларни камайтириш мақсадида касбий номинацияларга эга фразеологик бирликлар таржимаси ўзига хос усуллар ва методлар ишлаб чиқилишини талаб қилади. Профессор М.Э.Умархўжаевнинг эътироф этишича, “ҳозирги кунда таржимашунослик бир тилни ёки тил системасини таржима қилмайди, балки аниқ текстларнинг таржимаси билан шуғулланади. Бу йўналиш ўзига хос сифат нуктаи назаридан олдинги йўналишлардан фарқ қилади”[4]. ФБлар таржимасдаги лексик трансформация одатда фразеологизмда акс этаётган маъно ёки концептни биргина лексик бирлик орқали ифода қилишдан иборат бўлиб, ФБнинг биргина лексик бирлик билан алмаштирилиши билан характерланади. Лексик трансформация умумлашган ёки хусусийлашган ҳолда бўлишлари мумкин. Жумладан, инглиз тилидаги “to dine with Duke Humphrey” ФБси ўзбек тилига “оч қолмоқ” ибораси орқали таржима қилиниши оригинал тилдаги ифодаланган маънонинг тўлақонли сақлаб қолинишига имкон беради. Бирикмани бошқа,



масалан, калькалаш орқали ўгирилишида аслий концептуал маънонинг тамоман йўқолишига олиб келса, ўзбек тилида бу бирикмага мос келувчи эквивалентлар мавжуд эмас, ўз навбатида изоҳлаш усули билан ўгирилиши контекстнинг кенгайиб кетиши ва кенг миқёсли тушунтиришлар заруратини юзага келтириб, ФБларнинг энг муҳим хусусияти бўлган қисқа мазмунда кенг ва бўёқдор маъно акс эттириш тамойилининг бузилишига олиб келади. Худди шундай ҳолатларни “a fine gentleman/lady” каби бирликларда ҳам кузатамиз. Бу фразеологик бирлик ўзбек тилига “олифта, сохта” каби лексик бирликлар билан ўгирилиши улар мазмунидаги ифодаларни тўлақонли акс эттириш имконини беради.

Инглиз тилидаги “the King can do no wrong (сўзма- сўз. қирол ҳеч қачон хато қилмайди)” ФБи ҳар қандай шахсга тегишли бўлиб, унинг жиноят қилмаётганини кўрсатади. Бунда king ўзининг мавқеига тегишли маъносини йўқотади: “Because he (Soapy) wanted to fall into their (policemen’s) clutches, they seemed to regard him as a king who could do no wrong” [5]. -Чунки у полициячиларнинг қамокқа олишларини жуда ҳоҳларди-ю, бироқ полициячилар уни безорилик қиляпти деб ўйламасдилар.

Мисоллар кўрсатиб турибдики, king компонентининг окказионал қўлланилиши “оддий одам”га нисбатан қўлланилган бўлиб, унинг мазмунидаги кўчма маъно “нотўғри иш/жиноят қилмаслик” “қирол” билан тамоман алоқасини йўқотади ва метафорик тарзда бошқа шахсга кўчирилади. Метафорик ўхшатишнинг концептуал ифодаси айнан умумлаштирилган лексик трансформацияда берилиши ФБ ифодалилигини сақлаб қолишга хизмат қилган. Мавқеига тегишли белги хусусиятни бошқа шахсларга кўчириб ўтказилиши, нутқда кенг қўлланилсада, улар мазмунидаги метафорик кўчимдаги “олий насаб/мавқе” ядро компонент сифатида устувор бўлади. Бу ФБни шахсга эмас объектга қаратилган вазиятларида яққол сезилади. Масалан, — “It implies of course that considerations of right and wrong, of justice and mercy, do not apply to foreign politics. The state can do no wrong”. [3] -Албатта, ҳақ ва ноҳақлик, адолат ва шавқат меёрлари хорижий сиёсатга тегишли эмас. Ҳамиша давлат ҳақ контекстида ФБ “давлат”га нисбатан қўлланилган бўлиб, унинг мазмунидаги концептуал маъно ва ҳатто эмоционал-экспрессив ифодалилик ҳам умумлаштириш орқали ўгирилган.

Инглиз тилидаги “beggars must be no choosers” бирикмасининг маъноси “борига шукур қилмоқ” ибораси орқали ўгирилиши бир қарашда эквивалент таржимага ўхшаб кетиши мумкин. Бироқ ўзбек тилидаги “борига шукур қилиб яшамоқ” синтактик ибора сифатида классификацияланиб, унинг мазмунида семантик кўчишлар ва мажозий ифодалар мавжуд эмас. Қолаверса, икки тилдаги ушбу фразеологизм компонентлари касбий ва



ижтимоий соҳага оидлигида ҳам фарқланиб айнан ўхшаш семантика ва концептуал ифода турли соҳа ва касбларни англаувчи сўзлар билан акс эттирилган. Шу сабабли бу тарзда ўгириш ҳам лексик умумлаштириш сифатида баҳоланиши табиий.

Касбий фаолият ёки ижтимоий мавқени англаувчи компонентга эга бўлган ФБларнинг семантикаси ва ифодалаётган когнитив семаларини бошқа тилга ўгириш кўп ҳолларда таржима тилида бирикма мазмунидаги компонентни англаувчи касб ёки мавқенинг мавжуд бўлмаслиги сабабли амалга ошириб бўлмайди. Бундай ҳолларда бирлик мазмунидаги концептуал сема лексик трансформация орқали умумлаштириш жуда самарали ҳисобланади. Масалан, инглиз тилидаги “to be head cook and bottlewasher” ўзбек маданиятида “ошпазлик” каби касблар тарихан мавжуд бўлсада, инглиз тилидаги когнитив-концептуал тушунчадан тамоман фарқ қилади, қолаверса ўзбек маданиятида “идиш ювувчи” алоҳида касб эмас. Шунга кўра бу бирликнинг ўзбек тилида мос муқобил варианты мавжуд эмас, “ошпаз ҳам ювғучи ҳам бўлмоқ” шаклидаги сўзма-сўз таржимаси ҳам унинг мазмунидаги экспрессив семаларни тўлиқ акс эттира олмайди. Шу сабабли бирлик мазмуни лексик умумлаштириш орқали “қовоқхонани бошқармоқ” кўринишида ўгирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

–“But I never thought I'd be weighin' sixteen stone a having these very close veins, in those days, dearie.” She sighed: “To say nothing of being head cook and bottlewasher in a gold-field's pub” [3]. –“Жонгинам, мен ўша пайтларда олтин изловчиларга тўла шаҳарчада бир қовоқхонани юргизишим ва ҳозиргидек 100 килолик бир қоп гўшт бўлиб семириб кетишим ҳаёлимга ҳам келмаган эди” – дея хўрсинди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, айтиб бериш бир фразеологизмни турли таржима усуллари орқали ўгириш имконияти мавжуд бўлиб, таржимоннинг мақсади, матн тури ва услубиятига асосланган ҳолда алоҳида танланади. Уларнинг ҳеч бири устувор хусусиятга эга эмас. Фразеологик бирлик мазмунидаги семантик, концептуал-когнитив маънолар, эмоционал-экспрессив бирликларнинг ўзига хос жиҳатларини ифодали ўгириш мақсадида танлаб олинади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение: учебное пособие. / В.Н. Комиссаров – Москва: ЭТС, 2001. – с.82
2. Snow S.P. Corridors of Power. –New York.1964,W. R. Juge, p.239.
3. Prichard K. The Roaring Nineties. –M. 1957, p.414



4. Умархўжаев М.Э. Чоғиштира тилшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари ҳақида // Тил илми уммонига кўшилган томчи. – Тошкент, 2013. – 155 бет.
5. Henry O. Short stories. –Moscow. 1949, p.376
6. Ҳошимов Ғ.М. Таржимашуносликнинг долзарб муаммолари. Андижон. 2017. 33-бет.